

---

## **ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДАНҒАРА ТУМАН КЕНГАШИННИНГ НАВБАТДАГИ ЭЛЛИК БИРИНЧИ СЕССИЯСИ БҮЛИБ ЎТДИ.**

Сессия ишида туман Кенгаши депутатлари, сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг тегишли ўринбосарлари, кун тартибига киритилган масалага алоқадор ташкилотлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Сессияни халқ депутатлари туман Кенгашининг раиси Ш.Тожихакимов очди ва олиб борди.

Дастлаб сессия кунтартибидаги маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман ҳокимининг ёрдамчилари фаолияти самараси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Данғара туманидаги Халқ қабулхонаси мудири Мамаджанов Баҳромжон Аҳмедовичнинг ахбороти эшитилди.

Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш ва “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан мазкур тадбирларга маблағлар ажратиш тўғрисида туман Молия бўлими бошлиғи Латипов Козимжон Ҳакимович хисобот берib ўтди.

Данғара тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан ишсиз аҳоли қатламини ишга жойлаштириш бўйича 2022 йилнинг 1-чорагида амалга оширилган ишлари юзасидан туман Аҳоли бандлигини таъминлаш маркази директори Йулдашев Нуриддин Ботиралиевич ҳисботи эшитилди .

Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссиясининг 2022 йил 19 февралдаги 06-05/890-сонли мурожаатномаси ва унда қайд этилган Фарғона вилояти комиссиясининг Данғара туманидаги жами 72 та географик обьект(кўча)ни номлаш бўйича эксперт комиссиясининг хulosаси тўғрисида туман ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш бўйича маслаҳатчиси Узақова Шахноза Баҳодиржоновна маълумот берib ўтди.

Туман Саховат ва кўмак жамғармаси томонидан 2022 йил I-чораги давомида кам таъминланган оила қатламларига чиқарилган моддий ёрдамлари ҳисботи тўғрисида Маҳалла хайрия жамоат фонди раиси Усмонова Иродон хисобот берib ўтди .

---

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,

2022-04-11 17:37:57